

ПСИХОЛОГИЯДА СПОРТЧИ ШАХСИ ХАРАКТЕРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Абдурасулов Р.А- Жиззах ДПИ, Умумий
психология кафедраси профессори в.б.

Марданова Диёра, Педагогика ва психология
йўналиши 2-босқич талабаси

Аннотация. Мазкур мақолада спортчи шахси шаклланишининг ўрганилишиборасидагиназарий қарашлар илмий жиҳатдан талқин қилинган.

Калит сўз.Спортчи, спорт фаолияти, характер, шаклланиш.

Характернинг шаклланиши учун инсоннинг шахсий фаоллиги, ижтимоий муҳит, фаолият хусусиятлари ва амалиёти ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Жумладан, спорт ва унинг маълум турлари ҳам спортчи характер хислатларининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Рус психологлари-нинг тадқиқотлари ҳам спорт фаолиятининг шахс характерини тарбиялаш-даги аҳамиятини очиб беради (П.А.Рудик, А.Ц.Пуни, О.А.Черникова, В.Г. Норакидзе, Н.А.Худадов ва бошқалар).

Ҳар қандай жамиятда ҳам спорт шахснинг иродавий ва ахлоқий сифат-ларини, юксак ижтимоий идеалларини тарбияловчи муҳим восита ҳисобла-нади. Спорт машғулотлари ва мусобақалари спортчида унинг ирода кучини, мақсадга интилишни, фаоллик, ташаббускорлигини, мардлик, жасурлик, ўзи-ни тута билишни ва тартиб-интизомини шакллантиради.

Шундай экан, бу хислатлар фақат спорт фаолиятида аниқланадими ёки унда шаклланиб бўлиб, фаолиятнинг барча соҳаларида намоён бўладиган шахснинг характер хислатига айланадими? - деган саволни кўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, боксчи мусобақада фақат спортчига хос бўлган юксак, мукамал иродавий сифатларга эга бўлган тақдирдагина ғалабага эришади. Спортчи сифатида кўплаб муваффақиятга эришган боксчининг мукамаллиги унинг мустақкам характерга эга инсон эканлигидан далолат беради. Бироқ бу кўрсатилган характернинг иродавий хислатлари шахснинг умумий хислатлари ҳисобланишини англатадими? Бокс шахснинг тор доира-даги спорт фаолиятида ўзига, бошқа одамларга, жамиятга муносабатини намоён қилувчи мукамал характерга эга инсон сифатида шакллантирадими? Ёки бундай ижобий, ахлоқий ва иродавий сифатлар фақат машғулотлар ва мусобақалар жараёнида намоён бўладими? Бундай ҳолатлар Д.Н.Узнадзе томонидан психологик кўрсатмада берилган характернинг муайян тушунча-сига асосланган тадқиқотнинг психологик методлари ёрдамида ўрганилган.

Демак, фаолият тузилиши кўрсатманинг умумий қонуниятларига бўй-сунар экан, индивидуал тузилиш ҳам умумий, ҳам индивид учун ўзига хос кўрсатма қонуниятлари бирлигида шаклланади.

Бош омил сифатида шахс фаоллигини ташкиллаштирувчи ва юзага чиқарувчи кўрсатманинг хусусиятлари шахс тузилишида ва унинг алоҳида

компонентларида ўз изини қолдиради (билиш жараёнлари, ҳиссиёт, ирода ва бошқалар). Шунинг учун ҳам шахснинг турли хил хислатлари ва психик жараёнларини ўрганишда кўрсатма тушунчасидан келиб чиққан ҳолатда унинг мазмун ва тузилишига эътибор қаратиш лозим.

Характер-шахснинг муҳим компонентларидан бири бўлиб, у ироданинг диспозицияси ҳисобланади. Иродавий ҳаракатнинг муваффақияти индивиднинг мувофиқ ҳолати таъсири остида кўрсатманинг муҳимлигини ифодалаш қобилиятига боғлиқ. “Биз характер деб атайдиган нарса аслида шахснинг диспозицион кўрсатмаси бўлиб, унинг муайян кўрсатма муҳимлигини кўрсатиш қобилияти ҳисобланади” (Д.Н.Узнадзе).

Характер нафақат ўзини назорат қилиш, қатъийлик, изчиллик, мустақилликни билдиради, шунингдек, у мотив тизими сифатида кўрсатма билан ҳам боғлиқ. Унинг ташкилий хислатлари йўналтириш тизимига асосланади. Шунинг учун характер яхлит, бир бутун таълим ҳисобланади. Характер табиатини аниқлаш учун унинг жиҳатларини кўриб чиқиш лозим: қайд қилинган кўрсатма ва эҳтиёжлар, кўрсатманинг динамикаси ва шахс тузилиши каби.

Тадқиқот жараёнида характернинг динамикаси ва тузилишини ўрганишни кўрсатманинг ёзма ифодалаш методи асосида олиб бориш мумкин. Методиканинг натижалари орқали тасдиқланган кўрсатманинг белгиларида шахснинг муайян комплекс хислатлари акс этади, бу эса характер тузилиши бирлиги асоси ҳисобланади. Бу йўл билан аниқланган характер типлари (уйғунлик, низоли) характернинг формал-тузилишли шаклини белгилаб беради. Шахснинг мазмуний таърифи учун эса проектив методикалардан фойдаланиш лозим.

В.Г.Норакидзенинг бу борада ўтказган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, проектив методикалар орқали аниқланган характернинг “анатомияси” ва унинг компонентлари, шахснинг хулқ-атворини бир бутун ҳолда ташкил этган куч эса кўрсатма бўлиб, баъзи индивидлар ҳолатида бу хислатлар ҳаракатнинг ўзига хослиги ва табиатини тадқиқ қилиш йўли билан аниқлаш мумкин [10].

Спорт фаолиятининг спортчи характери шаклланишига таъсири муамоларини ҳал қилиш учун В.Г.Норакидзе клиник суҳбат ва биографик методдан, тематик апперцепция тести, йўналтирилган кўрсатманинг бир қанча тадқиқот методларидан (тасаввур ва идрок соҳасида), йўналтирилган кўрсатма ва импульсга бардош бериш эҳтиёжи (ироданинг салбий томонларини тадқиқ қилиш) методлари ёрдамида спортчи характерининг ҳам статик, ҳам динамик йўналишини ўрганган. Уларнинг орасидан қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- 1.Шахс фаолияти мотивлари (эҳтиёжи, мақсади, интилиши).
- 2.Ироданинг динамикаси, унинг ижобий ва салбий томонлари (импульснинг моҳияти).
- 3.Характер тузилиши (уйғунлик, низоли).

Спортчи шахси ва характери шаклланишида спорт фаолиятининг таъсири юқорида келтирилган психологик методлар ёрдамида боксчи, футболчи ва гимнастикачилар мисолида ўрганилган [10].

Бу каби тадқиқотларни М.Г.Амилахвари (гимнастикачилар билан), Г.Двали (футболчилар билан) ва В.Г.Норакидзе (боксчилар билан) лар ҳам олиб борганлар.

Улар томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари асосида шуни айтишимиз мумкинки, спорт машғулотлари ва мусобақалари таъсирида спортчи характери иродавий белгиларининг динамикаси тасвирини кўриш мумкин.

Ушбу спорт турларининг ҳар бири спортчи шахсининг турли доираларда шаклланишида уларга ўзига хос тарзда таъсир кўрсатишига қарамасдан, куйидаги муайян боғлиқликларни вужудга келтириши аниқланган: ҳар учала спорт тури вакилларида спорт стажи ошиши билан бирга берилган кўрсатмага мувофиқ низоли шахс учун характерли бўлган паст барқарорлик, юқори таъсирчанлик секин-аста пасайиб борган ва шу билан бирга вазмин шахслар учун характерли бўлган жўшқинлик, барқарорлик, таъсир-чанлик кўрсатмалари ривожланиб борган.

Г.Двалининг тадқиқот натижаларига кўра, жамиятда футбол билан энди шуғулланаётган ва турғунлик, қатъийлик, ўта чидамлик каби кўрсатмаларга мойиллиги бўлган субъектлар кўпчиликини ташкил қилар экан. Машғулотлар ва мусобақалар таъсири остида улардаги бу каби кўрсатмалар кейинчалик гармоник, одамлар учун характерли бўлган динамик, ўзгармас ва барқарорлик каби кўрсатмалар тарзида қайта шаклланар экан.

Бу жараён боксчиларда ҳам ўзига хос тарзда ўз ўрнига эга бўлиб, ёш спортчиларда қайд этилган кўрсатмалар катта стажга эга бўлган спортчиларга нисбатан юқори динамикага эга бўлади, лекин у кучсиз, пластик ва ўзгарувчан ҳисобланиб, вариабелликни намоён этади. Малакали спортчиларда қайд қилинган кўрсатма эса чидамликнинг динамиклиги, кўполлик, ўзгармас ва барқарорлик сифатида намоён бўлади [10].

Ёш боксчилар 2-3 йиллик машғулотлардан кейин етарли даражада чидамли, динамик-кўполлик, ўзгармас ва барқарор кўрсатмаларни намоён қилишган. Малакали боксчиларда қайд этилган кўрсатмаларда деярли ўзгаришлар кузатилмаган, уларда фақат кўрсатманинг таъсирчанлигини ҳамда эҳтиёжларни бошқара олиш қобилияти кучайганлигини кўриш мумкин. Бундан уларда мустаҳкам кўрсатма шаклланганлигини ҳамда кучли таъсир остида ҳам ўзини тута оладиган инсонни кўриш мумкин [10].

Гимнастикачилар билан илмий тадқиқот ишларини олиб борган М.Г.Амилахварининг илмий натижаларига кўра, гимнастикачиларнинг стажи ошиб боргани сари, улардаги кўрсатма турғун ва барқарор бўлиб боради, кўполлик даражаси эса ўсиб боради. Масалан, яқиндан бошлаб шуғулланаётган гимнастикачиларнинг 50% да кучсиз динамика ва пластиклик аниқланган бўлса, 45% да динамик- кўпол, 5% да эса кўпол-турғунлик аниқланган. Кўп стажга эга бўлган гимнастикачиларнинг 71% да динамик кўполлик, барқарор кўрсатма аниқланган бўлса, қолган 29% гимнастикачиларда пластик-динамик

кўрсатма аниқланган. Демак, малакали спортчилар учун ҳам, яқинда шуғулланишни бошлаган спортчилар учун ҳам динамик кўрсатма характерли бўлиб, у яқиндан бошлаб шуғулланаётган спортчиларда бироз кучсизрок намоён бўлар экан.

Демак, М.Г.Амилахвари, Г.Двали ва В.Г.Норакидзеларнинг тадқиқотлари асосида шуни таъкидлашимиз мумкинки, машғулот ва мусобақа жараёнида кўрсатманинг турғунлик, ўзгарувчанлик, суствлик ва шу каби салбий белгилари анча камайиб, барқарор динамик каби кўрсатмалар шаклланар экан.

Спорт фаолиятининг спортчи характери шаклланишига таъсир кўрсатишида мотивациянинг аҳамияти жуда катта бўлиб, у спорт фаолиятида инсонни нафақат спорт билан шуғулланишга ундайди, балки спорт машғулотларига нисбатан инсонда шахсий, субъектив мазмунга хос омилни вужудга келтиради. Кўпгина спортчилар бир хил спорт тури билан шуғулланишлари жараёнида қийинлиги ва жадаллиги бир хил бўлган машқларни бажаришда кўпинча турли хил мотивларга асосландилар, шунинг учун ҳам уларнинг хулқ-атворларини баҳолаш ҳам турлича бўлиши лозим.

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, аксарият спортчиларнинг спорт билан шуғулланиш мотивлари мазмунига кўра турличадир. Улар спорт маҳоратларининг ошиши жараёнида ўзгарадилар, ўз ҳаракатлари ва муҳит ҳамда бир мақсадга йўналтирилган тарбиявий ишлар таъсирида бошқача мазмун касб этадилар.

Шуни айтиш жоизки, спортчиларнинг мотивацияси билан боғлиқ бўлган масалалар ҳар доим амалий жиҳатдан ечишга ҳаракат қилинган бўлсада, лекин илмий нуқтаи назардан етарли даражада самарага эришилмаган. Бу эса иккита сабаб билан боғлиқ бўлиб, биринчидан-психология фанида бу ҳолатни тушунишда ягоналикнинг йўқлиги бўлса, иккинчидан эса спортда мотив тушунчаси ирода, мақсадга интилиш, журъат, қатъийлик ва бошқа шу каби спортга оид тушунчалар сояси остида қолиб кетмоқда. Ваҳоланки, спортда спортчи мотивацияси алоҳида мавқега эга ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати

1.Abdurasulov R.A. Interests and motivations of students in oriental wrestling and boxing.Progressive Academic Publishing EJPR.Vol.4 No.2, 2017. European Journal of Psychological Research (EJPR): Accepted Papers. -Б.11-18.

2.Abdurasulov R.A., R.Egamberdiev. The individuals of the uzbek wrestling educator psychological transmission for facility. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Vol. 6 No.3, 2018 ISSN 2056-5852.Accepted Papers. -Б.1-6.

3.Abdurasulov R.A. Interests and motivations of students in oriental wrestling and boxing.Progressive Academic Publishing EJPR.Vol.4 No.2, 2017. European Journal of Psychological Research (EJPR): Accepted Papers. -Б.11-18.

4. Абдурасулов Р.А. Ўқувчилар характерининг баъзи бир чизгилари ва типологик хусусиятлари. // Мактаб ва ҳаёт. 2003. 2. -Б.24-25.

5. Абдурасулов Р.А. Ўқувчи спортчиларнинг индивидуал ва шахсий хусусиятлари. // Мактаб ва ҳаёт. 2003. 3. -Б.17-18.

6. Абдурасулов Р.А. Интересы учащихся к занятиям восточными единоборствами и боксом. Юбилейная международная научно-практическая конференция. Сборник материалов. Самара. 2008. -С.46-48.

7. Абдурасулов Р.А. Мотивы учащихся-спортсменов в спортивной деятельности. Юбилейная международная научно-практическая конференция. Сборник материалов. Самара. 2008. -С.226-229.

8. Дюсембаев А.Р. Типы психической деятельности и интеллектуальные склонности. // Одаренные дети Узбекистана. Тезисы выступлений в научно-практической конференции. –Термиз. 1992. -С.29-30.

9. Ильеков Э.В. Что же такое личность? // В кн.: С чего начинается личность: -М.: Политиздат. 1979. -С.124-132.

10. Мерлин В.С. Экспериментальное исследование личности и темперамента. -Пермь.: 1971. 68с.

11. Норакидзе В.Г. Экспериментальные данные исследования некоторых особенностей личности спортсмена. // В кн. П.А. Рудика и др. “Психология и современный спорт”. - М.: ФИС. 1973. -С.239-244.

12. Палайма Ю.Ю. Опыт исследования относительной силы мотива и формирование соревновательной установки спортсменов. // В кн. П.А. Рудика и др. “ Психология и современный спорт”. -М.: ФИС. 1973. -С.86.

11. Маджидов, Д. Б., & Шарофиддинов, А. (2017). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. In *Актуальные вопросы современной психологии* (pp. 22-24).

13. Majidov, J. (2021). СПОРТДАГИ МУЛОҚОТ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ҲОДИСА СИФАТИДА. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/723>

14. Majidov, J. (2021). ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДА ЎЗARO МУНОСАБАТЛАР КЕЧИШИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/724>

15. Majidov, J. (2021). ВОПРОСЫ ГАРМОНИИ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ О СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ И УДОВЛЕТВОРЕННОСТИ СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНЬЮ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1369>

16. Majidov, J. B. (2020). Some characteristics of relationships in football teams. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1981-1988.

17. Majidov, J. (2021). ШАХСГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, (3). Извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4325>

18. Ж.Мажидов. ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДА “ТРЕНЕР – СПОРТЧИ” ТИЗИМИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ <https://scienceweb.uz/publication/865>